

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВА УМИДА РИХСИБАЕВНА

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА
МИОКАРДИТЛАР КЛИНИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Хакимова Умида Рихсибаевна

Мактабгача ва мактаб ёшидаги

болаларда миокардит клиникасининг

ўзига хос кечиши..... 3

Хакимова Умида Рихсибаевна

Клинические особенности течения

миокардитов у детей школьного

и дошкольного возраста..... 25

Khakimova Umida Rikhsibaevna

Features of the clinical course of myocarditis

in school and preschool age children..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВА УМИДА РИХСИБАЕВНА

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА
МИОКАРДИТЛАР КЛИНИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2104 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муратходжаева Акида Валиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбуллина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда инфекцион касалликлар болалик даврида кўп учрайдиган патологиялардан бири хисобланади. Хар бир бола ўткир респиратор инфекциялар билан йилига 6-10 марта ва ичак инфекциялар билан 4 мартагача касалланади. Бунда 80% ҳолатларда юрак-қон томир тизимида патологик жараён ривожланади, бу эса юрак ритмини бузилиши ва юрак етишмовчилигини узоқ кечиши билан намаён бўлади. (Финогеев Ю.П., Лобзин Ю.В., Волжанин В.М. 2003). Кўпгина беморларда инфекцион-яллиғланиш жараёнига жавобан юрак-қон томир тизимида функционал ўзгаришлар, фақтгина 5% ҳолатларда миокардит ривожланади. Статистикага кўра болаларда ҳаёт давомида миокардит ташхиси 30% ҳолатда, турли инфекцион касалликлардан ўлган болаларни патологоанатомик текширилганда 70% ҳолатларда миокардит аниқланади. (Белозеров Ю.М. (2004), Dancea A. (2002)).

Жаҳонда охириги ўн йиллик маълумотлар шуни кўрсатдики, одам организмига патоген хисобланган барча инфекцион кўзғатувчилар таъсирида миокард зарарланиши кузатилади. Кўпинча кардитлар вирусли, вирусли-бактериал инфекцияларда ривожланади, фақат моноинфекцион ҳолатларда кузатилмайди. (Мутафьян О.А. (2006), Школьников М.А. (2016), Алексеева Е.И. (2011)). Клиник педиатрияда миокардит ҳозирги вақтга қадар ўз долзарблигини сақлаб қолган. Бунга касал бола томонидан касаллик бошланганда аниқ шикоятларнинг йўқлиги, клиник кўринишнинг турлича бўлиши, касалликни кам симптомли ёки симптомсиз кечиши, оғир шаклда бўлиши, носпецифик симптомларни кўплиги сабабдир. Боланинг ёши ва преморбид фон касаллик кечишига бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Бемор болада бириктирувчи тўқиманинг дисплазияси ва вегетатив дисфункцияларнинг бўлиши юрак томонидан кузатиладиган асоратларни клиникасини беркитади. Болаларда миокардит ташхисини эрта қўйишда ташхисотни “олтин стандарти” хисобланган эндокардиал биопсияни усулини чекланганлиги ҳам қийинчилик туғдиради. Чунки бу усулда юқори хавфли оғир орқага қайтмас асоратлар кузатилиши мумкин.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болаларда кардиологик касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болаларда миокардитнинг клиник-функционал белгиларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт – шароитларни яратиш тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё аҳолисининг учдан бир қисмида респиратор касалликлар учраб, барча инфекцион касалликларнинг 90% ташкил этади. Неврematik генезли миокарднинг яллиғланиш касалликлари турли касалликларнинг инфекцион жараёнини асорати сифатида қаралади. Ҳозирги кунда бу касалликнинг эпидемиологияси ва тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Республика суд тиббиёти маркази маълумотларга кўра инфекцион касалликлардан ўлган болаларни аутопсия қилганда 78% ҳолларда миокардит ташхиси аниқланди. Ҳозирги вақтда Никитина И.Л. (2017), Canter С.Е. (2014), Piccininni J.A. (2018), Пшеничная Е.В. (2020), Васичкина У.С. (2014) ишларида болаларда миокардитларни ташхисоти, даволаши ва профилактика масаласида катта силжислар кузатилди. Миокардда яллиғланиш жараёнини шаклланишида омилларнинг эпидемиологик роли аниқланди.

МДХ давлатларининг етакчи болалар кардиологларнинг маълумотига кўра миокардда яллиғланиш жараёнини ривожланиши турли омиллар билан боғлиқдир. Кўпгина ҳолларда миокардга зарарловчи таъсир курсатувчи этиологик омилнинг инфекцион, инфекцион-токсик ёки токсик характерли эканлиги аниқланган. Зардобли, доривор ва вакцинадан кейин ривожланган миокардит организмни сенсбилизацияси билан боғлиқдир. Охириги йилларда, инсонга барча патологик бўлган инфекцион кўзғатувчилар таъсирида миокардда яллиғланиш жараёни ривожланиши исботланган. Аммо кўзғатувчиларни алоҳида турларини учраш частотаси турлича. Охириги ўн йилликда Никитина И.Л. (2017), Canter С.Е. (2014), Piccininni J.A. (2018), Пшеничная Е.В. (2020), Балыкова А.А. (2020) маълумотларига кўра энг кўп учрайдиган кўзғатувчиларга ЕСНО кардиотроп вируслари, Эпштейн-Барр, парвовирус В-19 ва одамнинг 6 герпес вируси киради. Миокардда яллиғланиш жараёнини инфекцион жараёнга асосланган патогенетик

механизмнинг ривожланиши хали текширув босқичида. Инфекцияларга ҳамда вирусларга юқори сезувчанликка олиб келувчи омиллар аниқланмаган. Хозирги вақтда болаларда миокардитни эрта ташхислаш муаммосини хал қилиш жараёнида силжишлар кузатилмоқда. Бу муаммолар қуйидаги ишларда ёритилган Никитина И.Л. (2017), Canter С.Е. (2014), Piccininni J.A. (2018), Пшеничная Е.В. (2020), Васичкина У.С. (2014).

Махаллий олимларнинг адабиётини тахлилига кўра бу муаммони хал қилишда айрим қийинчиликлар туғилади. Миокардитда қўлланиладиган замонавий информатив усуллар болалар амалиётида кенг ишлатилмайди. МРТ, ПЭТ ва эндомиокардиал биопсия каби замонавий текширув усуллари оғир асоратларга олиб келгани учун кенг қўлланилмайди. Булар ритм ва ўтказувчанликни бузилиши, экстрасистолия, атривентрикуляр блокада ва анестезия усулларни қўлланилишидир.

Кўп холларда миокардитга хос клиник симптоматикани ва махсус белгиларни бўлмаслиги уни эрта ташхислашда қийинчилик туғдиради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» (2019-2021) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ёшдаги болалар гуруҳида миокардитнинг этиологиясидан келиб чиқиб, касалликни кўп учрайдиган шакллариининг клиник кўринишини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

яллиғланиш характердаги юрак патологиясини, унинг ривожланиш сабабларини ва хавф омилларини ўрганган холда, кечиш динамикасини аниқлаш;

турли ёшдаги гуруҳларда берилган паталогияга оид хусусиятларни аниқлаб, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда клиник симптомларни ажратган холда миокардитнинг асосий клиник белгиларни аниқлаш;

касалликнинг этиологияси хисобга олган холда, миокардитда ёшга оид морфофункционал ва иммуннологик бузилишлар характерини аниқлаш;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли дефект фонидаги миокардитли болаларда юрак ривожланишининг кичик аномалияларни ёшга оид кўп учрайдиган вариантларни ажратган холда, уларнинг тузилишини аниқлаш;

болаларда яллиғланиш характеридаги юрак патологиясини шаклланишида юрак ривожланиши кичик аномалияларининг клиник ахамиятини аниқлаш;

касалликни илк белгилари пайдо бўлганда касалликни эрта ташхислаш учун қиёсий–ташхисот меъзонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 4-16ёшли миокардит диагнози билан 127та болаларнинг клиник, лаборатор ва инструментал текширувининг

динамик натижалари ҳисобланди. Булардан 44та (34,7%) ўткир респиратор вирусли инфекциядан кейин ривожланган миокардит, 47та (37%) бактериал этиологияли миокардит билан касалланган болалар ва 36та (28,3%) МАРС синдромоми билан кечган миокардитлар. Назорат гуруҳни 20та шу ёшдаги соғлом болалар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон ва зардоб намуналари ишлатилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Олдинга қўйилган масалаларни ечиш мақсадида умумклиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал (рентгенография, ЭКГ, ЭхоКГ) ва статистик текширув усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўткир миокардит билан касалланган болаларда касаллик этиологиясига кўра ва маълум бир ёш гуруҳига қараб аниқ клиник белгиларнинг ва лаборатор-инструментал текширув кўрсаткичларнинг (КФК, ЛДГ, тропонин1, ЭКГ и Эхо-КГ кўрсаткичлари) эрта ташхисотдаги ахамияти исботланган;

касалликнинг этиологиясини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган қиёсий-ташхисот меъзонлари ва иммунологик текширувлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10, γ -ИФН) болаларда ўткир миокардит ташхисини ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши исботланган;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли дефекти билан боғлиқ, ёшга оид юрак ривожланиши кичик аномалиялари (ЮРКА) структураси мактабгача ёшдаги болаларда - ООТ – 6(27%); ЧҚАХ – 9(38%); ПМК 1даражаси – 8(35%) ва мактаб ёшидаги болаларда – ЧҚАХ-6 (46,2%), ПМК-4(30,8%), ПТК – 3(23%) аниқланган, ҳамда уларнинг миокарднинг яллиғланиш касалликлардаги роли ва клиник ахамияти исботланган;

ПМК, ТПК ва ЧҚАХ кўринишида кўп учрайдиган юрак ривожланиш кичик аномалиялари мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги болаларда кардиоваскуляр патологияларнинг оғир кечишига олиб келувчи хавф омил сифатида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яллиғланиш характеридаги юрак патологияси касалликлари бўйича хавф туғдирувчи болалар контингентини ажратиш тактикаси ишлаб чиқилганлиги асосланган.

касаллик этиологиясини белгилаш ҳамда ўткир миокардитда яққол ажратилган критерийлар билан қиёсий ташхисот жадваллар ишлаб чиқилганлиги асосланган.

кардиал патологияни ривожланишга сезирарли таъсир кўрсатувчи (ТПК 1, ПМК, ЧҚАХ ва б.), бириктирувчи тўқиманинг тизимли дефектининг клиник ахамиятга эга юрак ривожланиш кичик аномалияларининг ахамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий

жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юракнинг яллиғланиш патологияларда (миокардит) касалликни шакилланишига олиб келадиган асосий хавф омилни белгилаш ва аниқлаш, касалликнинг алоҳида шакиллари ва унинг кечиш оғирлигини олдиндан белгилаб беради. (вируслар – 67 (52,75%), бактериялар – 60 (47,25%)). Касаллик оқибатини белгалайдиган, юрак яллиғланиш патологиясини ривожланишига олиб келувчи ёмон оқибатли хавф омилларини белгилаш, буларга: преморбид фон; кардиомиоцитлар цитолизи индекси, иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кардиоваскуляр патологияни кечишини ва унинг оқибатини белгилайдиган, клиник аҳамиятга эга вариантларни ажратган ҳолда юрак ривожланиши кичик аномалияларни белгилаш киради. Клиник, лаборатор, биохимик, электрокардиографик ва эхокардиографик ўзгаришларни комплекс баҳолашни ўтказиш амалиёт врачларига яллиғланиш характердаги юрак патологиясини ўз вақтида ташхислашга имконият яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларни жорий қилиниши. Болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишини эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ўткир миокардит билан касалланган болаларда касаллик этиологиясига кўра ва маълум бир ёш гуруҳига қараб аниқ клиник белгиларнинг ва лаборатор-инструментал текширув кўрсаткичларнинг (КФК, ЛДГ, тропонин1, ЭКГ и Эхо-КГ кўрсаткичлари) эрта ташхисотдаги аҳамиятини исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023йил 23 июндаги 03/55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишини эрта ташхислашда ноинвазив усулларнинг клиник аҳамияти” номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Тошкент шаҳар 4-шаҳар болалар клиник шифохонасига 1.11.2023йил 44-сонли ва Шайхонтохур туманининг 44-оилавий поликлиникасига 1.11.2023йил №727-14-205DOP/2023-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/22-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** болаларда ўткир миокардит ташхисини эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш касалликни сурункали босқичига ўтказмаслик имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тавсия этилаётган

ташхисот усуллари болаларда миокард зарарланишининг эрта ташхислаш учун қўллаш ва ўз вақтида даволаш уни сурункали шаклига ўтишига йўл қўймайди, бу эса бемор болани касалхонада ётиш кунларини қисқартиради ва 127 нафар беморга 18669000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** тавсия этилган ташхисот усуллари миокардни яллиғланишли зарарланган болаларда қўллаш бир нафар бемор хисобига стационарда даволаш учун бюджет маблағларини 147000сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: касалликнинг этиологиясини инобатга олган холда ишлаб чиқилган қиёсий-ташхисот меъзонлари ва иммунологик текширувлар (IL-1β, IL-4, IL-6, IL-10, γ-ИФН) болаларда ўткир миокардит ташхисини ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023йил 23 июндаги 03/55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишини эрта ташхислашда ноинвазив усулларнинг клиник аҳамияти” номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Тошкент шаҳар 4-шаҳар болалар клиник шифохонасига 1.11.2023йил 44-сонли ҳамда Шайхонтохур туманининг 44-оилавий поликлиникасига 1.11.2023йил №727-14-205DOP/2023-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/22-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** клиник-лаборатор натижалар ҳамда ЭКГ, Эхо-КГ кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқилган ташхисот меъзонлари ва иммунологик текширувлар болаларда миокардитни ўткир босқичида касалликни этиологиясини инобатга олган холда эрта ташхислаш имконини беради, болаларда миокардитни сурункали босқичига ўтишини олдини олади ва ҳаёт сифатини яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган қиёсий ташхисот меъзонлари касалликни эрта ташхислашга ва ўз вақтида даволаш тактикасини қўллаш натижасида бемор болани касалхонада ётиш кунларини қисқартирган ва 127та беморга 18669000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган қиёсий-ташхисот меъзонлари миокардни яллиғланишли зарарланган болаларда қўллаш бир нафар бемор хисобига стационарда даволаш учун бюджет маблағларини 147000сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: бириктирувчи тўқиманинг тизимли дефекти билан боғлиқ, ёшга оид юрак ривожланиши кичик аномалиялари (ЮРКА) структураси мактабгача ёшдаги болаларда - ООТ – 6(27%); ЧҚАХ – 9(38%); ПМК 1даражаси – 8(35%) ва мактаб ёшидаги болаларда – ЧҚАХ-6 (46,2%), ПМК-4(30,8%), ПТК – 3(23%) аниқланган, ҳамда уларнинг миокарднинг яллиғланиш касалликлардаги роли ва клиник аҳамияти исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023йил 23 июндаги 03/55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишини эрта

ташхислашда ноинвазив усулларнинг клиник аҳамияти” номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Тошкент шаҳар 4-шаҳар болалар клиник шифохонасига 1.11.2023йил 44-сонли ҳамда Шайхонтохур туманининг 44-оилавий поликлиникасига 1.11.2023йил №727-14-205DOP/2023-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/22-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ЮРКА мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда миокардитни ўткир ости кечишига ва касалликни оғир шаклини ривожланишига олиб келган, ўз вақтида юрак ривожланиши кичик аномалияларини ташхислаш ва профилактик метаболик терапияни қўллаш касалхонада ётиш муддатини қисқартиришга, бемор боланинг соғлиғини тезроқ тиклашга ёрдам берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болаларда миокард зарарланишида ЮРКАни эрта ташхислаш ва ўз вақтида метаболик терапияни қўллаш касалликни сурункали босқичга ўтишга йўл қўймаган, бу эса беморни стационарда ётиш кунларини қисқартирган ва 127 нафар беморга 18669000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишида ЮРКА эрта ташхислаш бир нафар бемор хисобига стационарда даволаш учун бюджет маблағларини 147000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: МКП, ТКП ва ЧҚАХ кўринишида кўп учрайдиган юрак ривожланиш кичик аномалиялари мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги болаларда кардиоваскуляр патологияларнинг оғир кечишига олиб келувчи хавф омил сифатида исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023йил 23 июндаги 03/55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Болаларда миокарднинг яллиғланишли зарарланишини эрта ташхислашда ноинвазив усулларнинг клиник аҳамияти” номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Тошкент шаҳар 4-шаҳар болалар клиник шифохонасига 1.11.2023йил 44-сонли ҳамда Шайхонтохур туманининг 44-оилавий поликлиникасига 1.11.2023йил №727-14-205DOP/2023-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/22-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ўз вақтида МКП, ТКП ва ЧҚАХ ташхислаш ва профилактик метаболик терапияни тавсия этиш, бириктирувчи тўқимани меъёрида шаклланишига ва яллиғланиш характеридаги юрак патологияларининг ривожланиш хавфини 25-30% камайишига имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болаларда МКП, ТКП ва ЧҚАХни эрта ташхислаш ва ўз вақтида метаболик терапияни қўллаш 127 нафар беморга 18669000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** болаларда ўз вақтида МКП, ТКП ва ЧҚАХ эрта ташхислаш бир нафар бемор хисобига стационарда даволаш учун бюджет маблағларини 147000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 3та халқаро илмий-амалий анжумандаларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларни эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та услубий тавсиянома, 4та тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8та мақола, жумладан, 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар тахлили, 3та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда миокардит – замонавий даражадаги муаммонинг долзарблиги”** деб номланган биринчи бобида миокардитлар ва юрак ривожланишининг кичик аномалияларга бағишланган охири адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Ҳозирги вақтда бор ташхисот усуллариининг ютуқлари ва камчиликлари чуқур таҳлил қилинган, ҳамда бу муаммони ноаниқ жихатларини ўрганиш белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотдаги беморларнинг умумий характеристикаси, материал ва текширув усуллари”** деб номланган иккинчи бобида миокардити бор болаларда касаллик даражасини субъектив баҳолаш амалга оширилганлигини кўрсатувчи 127 нафар болада ўтказилган касалликни клиник тахлиliga асосланган тадқиқот иши келтирилган. Тадқиқотга Тошкент шаҳридаги 4-сон шаҳар болалар клиник шифохонасига госпитализация қилинган 4ёшдан 16ёшгача бўлган 127нафар миокардитли болалар клиник гуруҳи танлови амалга оширилган.

Патологик жараённинг оғирлиги ва организм функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент, бактериологик, серологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган

Ўрганилаган умумий беморлар сонидан (n=127) миокардит билан касалланган қиз болалар 58 нафарини (45.6%), ўғил болалар 69 нафарини (54,4%) ташкил қилди.

Биз томондан текширилган болаларнинг кўпроғини мактаб ёшидаги болалар 81 нафарини (63%), камроғини мактабгача ёшдаги болалар 46

нафарини (37%) ташкил қилди. Бу келтирилган маълумотлар болалар касаллигини ёшга нисбатан олганда нисбий кўрсаткич бўлиб, бу фақат ташхис қўйилган вақтдаги ёшига тўғри келди.

Касалликни клиникасини баҳолашда халқаро касалликлар таснифининг (МКБ-10) X қайта қўрилгани ва болаларда миокардитларнинг таснифидан (Н.А. Белаконь бўйича, 1984г. АДҚР (Ассоциация детских кардиологов России) ишчи гуруҳи томонидан модификацияланган 2021г.) фойдаланилган.

Тадқиқотдаги бемор болалар касалликнинг этиологиясига кўра учта гуруҳга ажратилган:

1-гуруҳга вирус этиологияли миокардитли 44 нафар болалар кирди, уларнинг 23таси мактабгача ёшдаги болалар ва 21таси мактаб ёшидаги болалар эди.

2-гуруҳга бактериал этиология фонидаги миокардитли мактаб ёшидаги 47 нафар бемор болалар кирди, улардан 27 нафарида миокардит компенсирланган тонзиллит билан, қолган 20 нафари эса декомпенсирланган тонзиллит билан эди.

3-гуруҳга эса юрак ривожланиши кичик аномалиялар фонидаги миокардитли 36 нафар болалар ташкил этди, улардан 23таси мактабгача ва 13тасини мактаб ёшидаги болалар ташкил этди.

Тадқиқот натижаларини солиштириш учун шу ёшдаги 20та соматик соғлом болалардан контрол гуруҳ ташкил этилди.

Лаборатор текширув усулларига қўйидагилар кирди:

- яллиғланиш жараёни борлигини ва унинг яққоллилигини баҳолаш учун қоннинг клиник таҳлили (яллиғланишнинг носпецифик маркёрларини ортиши – ЭЧТ, СРО);

- Қоннинг биокимёвий таҳлили: лактатдегидрогеназа (ЛДГ) ва креатинфосфокиназа (КФК) фаоллигини ортиши, тропонин I концентрациясини ортиши;

- Бириктирувчи тўқима дисплазиясини аниқлаш мақсадида қонда гидроксипролин миқдори аниқланди;

- Миокардитни этиологик омилини аниқлаш учун серологик ва бактериологик, молекуляр-биологик текширувлар (ПЦР) ўтказилди.

Инструментал таъхисотга қўйидагилар кирди:

- Кўкрак қафасини рентгенологик текшируви (юрак чегараларини аниқлаш, кардиоторакал индекснинг ортиши (КТИ), кичик қон айланиш доирасида димланиш белгилари);

- Электрокардиография (юракнинг электрик ўқи, QRS комплексининг вольтажи, реполяризацияни бузилиши, юрак ритмининг бузилиши ва турли кўринишда юрак ўтказувчанлигини бузилиши);

- Эхокардиография (Эхо-КГ) юрак бўшлиқларининг ўлчамини аниқлаш, қоринчалар дилатацияси, миокард гипокинезияси, чап қоринча отиш фракциясининг пасайиши, чап қоринча гипертрофияси, ўпканинг гипертензия белгилари ва бошқалар;

Барча лаборатор текширувлар «Remedium» хусусий клиникасида ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик ишлов бериш учун Microsoft Excel 2019 компьютер дастурларининг статистик пакетларидан фойдаланилди. Олинган натижаларни фарқлилиқ ишончлилигини ҳисоблаш учун Стюдент t-критерийларидан фойдаланилди, натижалар эса $M \pm m$ (M – ўртача кўрсаткич, m – ўртача кўрсаткич фарқи) кўринишида t-критерийни ҳисобланган қийматига ва ишончлилиқни олинган даражаси фарқининг олинган ҳажмига боғлиқ равишда тавсия этилди. Статистик қийматнинг чегара даражаси сифатида $P < 0,05$ қиймати қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Миокардитли болаларни клиник характеристикаси ва текширув натижалари”** деб номланган учинчи бобида вирус ва бактериал этиологияли миокардитли бемор болаларни ёшга оид тадқиқот натижаларининг таҳлили келтирилган. Бу боб 2та кичик бўлимдан иборат.

Текширилган болалар ичида касаллик ўткир кечган 87таси (68,5%), ўткир ости кечгани 37таси (29,13%), сурункалиси 3таси (2,37%)ни ташкил этди.

Бемор болаларда ўтказган касалликлар ичида ўткир респиратор касалликлар етакчи патология эканлиги аниқланди. Ўткир респиратор касалликларнинг этиологик бошланиши икки гуруҳ омилга боғлиқ бўлади: вирус и бактериал. Респиратор тракти зарарланишининг симптомлари кам намоён бўлган ҳолда ҳам узоқ муддат ўртача 7-9 кунгача сақланди.

Кузатувдаги бўлган болалар ўткир респиратор касалликларни етарлича оғир шаклини ўтказди. Уларда юқори тана ҳарорати – 39,5-40 (99,8%), адинамия, бўшашиш, клонико-тоник талвасалар – 4та (9,09%) кузатилди. 11та (25%) бемор болаларда бронхобструктив синдром (хуштаксимон нафас, хансираш, кўкрак қафасининг шиши) ва 3та (6,8%) ҳолатларда қисқа диспептик бузилишлар (2 кундан ортиқ бўлмаган) аниқланди.

Маълум гуруҳ бемор болаларда 15 (34,1%) анамнезда яққол катарал симптомлар, интоксикация, юқори тана ҳарорати – 39,5-40, бурундан нафас олишнинг қийинлашуви биринчи ўринда кузатилди. Бу гуруҳ болаларда вирусли инфекциянинг ажралиб турувчи хусусияти респиратор тракт билан яққол экссудат компонентли кўзларнинг (кератоконъюктивит кўринишида) зарарланиши билан биргалиқда бўлди.

Мактабгача ёшдаги болалар гуруҳида 8та (17,02 %) беморда ўткир респиратор касалликларнинг биринчи кундан бошлаб патологик жараёнга бронх-ўпка тизимининг пастки қисмлари қўшилиши билан кечди. Катарал белгилар ўртача намоён бўлган, яққол нафас етишмовчилик билан ўртача интоксикация орасида номутаносиблик аниқланди.

Миокардда яллиғланиш жараёнини этиологик омили ҳисобланган бактериялар инфекцион-токсик ва сенсбилловчи компонент ролида ҳам келиши мумкин. Мактаб ёшидаги болаларда носпецифик инфекцион-

аллергик миокардит билан касалланган 27 (33,75%) болаларда қайта ангина ёки ўткир респиратор касалликларга юқори мойиллик аниқланди.

Кузатилган бемор болаларда миокарднинг зарарланиш белгилари ўткир инфекцион касаллик ўтказгандан кейин мактабгача ёшдаги болаларда 12-14 кундан , мактаб ёшидаги болаларда эса - 15-20 кундан кейин намоён бўлди.

Миокардитнинг кардиал белгилари қуйидагилар билан характерланди: юрак етишмовчиликни клиник белгилари билан 89,98%, бола танасини ўзгартирганда кучаювчи хансираш 93,18%, оқимтирлик эпизодлари 62,36%, оёқ қўлларнинг совуқ бўлиши 67,86%, юрак уришининг тезлашиши 78,98%, тахикардия 68,18%, пульс частотаси (125), юрак чўққисида систолик шовқин.

Кузатувдаги ҳамма болаларда миокардит иситмалаш билан кечди. Субфебрил иситма 11та болада (47,8%), фебрил – 9та болада (39,1%) ва юқори фебрил – 3 та болада (13,1%) аниқланди.

Объектив текширувда биринчи ўринга юрак ритмининг бузилиши тахикардия кўринишида – 17(73,9%), брадикардия – 3 (13,05%) ва 3та болада (13,05%) юрак ритмининг бузилишини иккала холати ҳам биргаликда аниқланди. Юрак тонларининг бўғилиши 99,6% холатда систолик шовқин эса 21тада (91,3%) аниқланди.

Мактабгача ёшдаги бемор болалар гурухи миокардит ривожланишининг этиологик сабабига кўра 2та кичик гурухга бўлинди. I – кичик гурухга Adenoviridae инфекцияси мусбат серологик натижага эга бўлган болалар 14та (60,8%) кирди. Иккинчи гурухни бирлашган этиологияли – Adenoviridae (аденовирус) + Herpes simplex I ва II тип оддий герпес вируси келтириб чиқарган вирусли миокардит билан касалланган бемор болалар 9 (39,2%) ташкил этди.

Мусбат серологик текширувига (Adenoviridae инфекция) эга мактабгача ёшдаги бемор болаларни ўтказилган текширув натижаларига кўра меъёрга нисбатан қуйидаги ўзгаришлар кузатилди:

Стандарт тармоқларда олинган электрокардиография натижалари касалликни кечиши ва оғирлигига нисбатан тўғри боғлиқ бўлди (100%).

Кичик гурухдаги 8та (57,14%) болаларда электрокардиография кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмади. Яққол тахикардия ва турли хил реполяризация жараёнини бузилиши, чўққида 1-тонни ўртача бўғиқлашуви, яққол тахикардия минутига 120, нафас олиш частотаси ўртача кўпайган.

Рентгенологик ўпка илдизи ва ўпка майдони томонидан ўзгаришлар аниқланмади (99,89%). Юрак бўшлиғларининг ўлчами ва унинг конфигурацияси ўзгармасдан қолди.

1-кичик гурухдаги олтита болада ўткир миокардитнинг ўрта оғир шакли ташхисланди. Касалликнинг клиник кўриниши субфебрил тана харорати, умумий ахволининг ёмонлашиши, бош оғриғи, уйқуни бузилиши, иштаханнинг пасайиши, тез чарчаш, юрак соҳасида нохушлик хисси ва нафас олишнинг тезлашиши билан характерланди.

Деярли хамма бемор болаларда (98,9%) кардиологик белгилар юрак тонларининг бўғиклашуви, чўққида систолик шовқин, кардиомегалия (юракнинг ўннга кенгайиши) билан характерланди.

Электрокардиография натижаларига кўра бўлмачалардан қоринчаларга кўзгалувчанликни ўтказилишининг бузилиши аниқланди, яъни органик характерга эга бўлмача-қоринчалар ўтказувчанликни сусайиши кузатилди ва бу 1-2 даражадаги атриовентрикуляр блокада кўринишида намоён бўлди.

Бир нечта этиологияли ўткир вирусли миокардит билан касалланган 9та болада касаллик оғир кечди. Касалликнинг оғирлиги юрак етишмовчилигининг II Б босқичининг яққол клиникаси билан асосланди. 66,67% ҳолатда бемор болаларда биринчи ўринга тахикардия, 33,33% беморларда эса брадикардия аниқланди. Хамма бемор болаларда ўтказилган стандарт электрокардиографияда реполяризация жараёнини ташхисланди. Тугун ритми клиник брадикардия кўринишида намоён бўлди. ЭКГда Р тишча йўналишининг ўзгарганлиги ва Р – Q интервалининг қисқариши, QRST – қоринчалар комплексининг деформацияси аниқланди. билан намоён бўлди.

Мактаб ёшдаги 21 та болада (47,7%) аралаш этиологияли ўткир миокардит ўртача оғирликда кечди. Касаллик 3-3,5хафтадан кейин субфебрил ҳарорат фонида бошланди. Болалар касалхонага умумий ахволнинг ёмонлашиши яққол ҳолсизлик билан келди (98,82%). Тери қопламлари кулранг-цианотик тусда эди (99,84%). Юрак етишмовчилик белгилари IIА– 19 (90,4%) ва 2та (9,6%) болаларда II Б даражасида эканлиги аниқланди.

Кардиалгия кам интенсив характерли эди, аммо 88,9% ҳолатда бу симптомнинг узайганлиги аниқланди. Обьектив маълумотларга кўра юрак турткисининг сусайганлиги, юрак тонларининг бўғиклиги, 3та (14,3%) болада эса галоп ритми аниқланди. Юрак ритмини бузилиши 14(66,6%) ҳолатларда тахикардия, 7 (33,4%) эса брадикардия кузатилди.


Шундай қилиб, иккита турдаги вируслар биргаликда келган вирусли этиологияли миокардитлар ўтказувчан системанинг бузилиши ва автоматизмнинг зарарланиши билан кечди.

Юрак-қон томир тизимини клиник-лаборатор ва инструментал текширувларга кўра бактериал этиологияли инфекцион-аллергик миокардит ташхиси 47(37%) нафар мактаб ёшидаги болаларга қўйилди.

Тасдиқланган миокардит компенсирланган ва декомпенсирланган шаклдаги сурункали тонзиллит фонида ҳамда юрак етишмовчилигининг I ва IIА даражаси билан ўткир кечди.

Электрокардиографияда аниқланган ўзгаришлар деярли тез кузатилди. ЭКГда синусли тахикардия Т-Р интервалининг қисқариши билан намоён бўлди. Ўтказувчи тизим томонидан ўзгаришлар тўлиқ бўлмаган атриовентрикуляр блокада билан характерланди. Бизнинг текширувларга кўра бу тўлиқ бўлмаган блокада Р-Q интервалининг узайиши ва қоринчалар систоласининг турғун бўлмаган тушиб қолиши (Самойлов-Венкенбах даври) кўринишида бўлди. 29,79% беморларда тўлиқ бўлмаган атриовентрикуляр

блокада P-Q интервалининг ўзгаришсиз, лекин қоринчалар систоласининг турғун тушиб қолиши билан намоён бўлди.



Расм 1. Миокардит билан касалланган болаларда яллиғланиш маркерларининг (ЛДГ, КФК ва тропонин1) кўрсаткичлари.

Мактабгача ёшдаги вирус этиологияли миокардит билан касалланган болаларнинг деярли хаммасида қон биохимиявий тахлилида ферментлар миқдорининг ортиши – миокардитнинг яллиғланиш маркёрлари креатинфосфокиназа (КФК-МВ) ва лактатдегидрогеназа (ЛДГ) меъёр билан солиштирганда 3,5 ва 1,6 маротаба ортган эди (КФК-МВ 0-10Ед/л, ЛДГ 200-400Ед/л). Зардобдаги ферментлар миқдори ўртача кўрсаткичлари - ЛДГ $664,77 \pm 13,85$ Ед/л, КФК-МВ $35,70 \pm 1,00$ Ед/л ташкил этди.

Мактаб ёшидаги миокардит билан касалланган болаларнинг деярли хаммасида қон биохимиявий тахлилида ферментлар миқдорининг ортиши – миокардитнинг яллиғланиш маркёрлари креатинфосфокиназа (КФК-МВ) ва лактатдегидрогеназа (ЛДГ) меъёр билан солиштирганда 3,1 ва 1,5 маротаба ортган эди (КФК-МВ 0-10Ед/л, ЛДГ 200-400Ед/л). Зардобдаги ферментлар миқдори ўртача кўрсаткичлари - ЛДГ $615,77 \pm 13,85$ Ед/л, КФК-МВ $30,70 \pm 1,00$ Ед/л ташкил этди. Барча болаларда қоннинг биохимик текширувида СРБни 2,5 маротаба ошганлиги аниқланди, бунда СРБнинг ўртача кўрсаткичи - $12,32 \pm 1,76$ га тенг бўлди. Бунда ЭЧТ кўрсаткичлари меъёр атрофида бўлди. Тропонин1 кўрсаткичи $0,58 \pm 0,01$ га тенг бўлди, бу меъёр билан солиштирганда 1,2марта кўп эди.

Бактериал этиологияли миокардит билан касалланган мактаб ёшидаги хамма беморларда миокардит яллиғланиш маркерлари креатинфосфокиназа (КФК-МВ) ва лактатдегидрогеназанинг (ЛДГ) 2,5 ва 1,2 марта ортгани аниқланди (КФК-МВ 0-10Ед/л, ЛДГ 200-400Ед/л). Зардобдаги ферментлар миқдорининг ўртача кўрсаткичлари - ЛДГ $490,43 \pm 13,66$ Ед/л, КФК-МВ $25,31 \pm 2,22$ Ед/лга тенг эди. Хамма бемор болаларнинг қоннинг биохимиявий тахлилида С-реактив оқсилнинг 2,5 маротаба ва ундан кўп ошганлиги аниқланди. ЭЧТ кўрсаткичи эса меъёр атрофида бўлди.

Кардиоспецифик оқсил – кардиомиоцитлар парчаланишида қон оқимиға тушувчи тропонин1 даражасини баҳолаганда, берилган гурухнинг хамма болаларида мусбат натижа бўлди. Меъёрга нисбатан тропонин1 1,2 марта ортган эди (Тропонин1нинг меъерий кўрсаткичи – 0-0,5нг/лга тенг). Барча ҳолатларда тропониннинг мусбат бўлиши, яққол кўринишдаги клиник, лаборатор ва инструментал текширув маълумотлар натижалари билан миокардит диагнозини тасдиқлади.

1-жадвал

Миокардитли болаларда эхокардиометрик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Вирус этиологияли миокардит		Бактериал этиологияли миокардит Мактаб ёшдаги n=47	Соғлом болалар n=20	σ	p
	Мактабгача ёшдаги n=23	Мактаб ёшдаги n=21				
ҚДР, мм	41,18±0,29	43,28±0,29	42,15±0,21	32,95 ±0,17	1,93	0,05
КСР, мм	31,59±0,22	33,59±0,22	33,34±0,15	23,75±0,33	1,45	0,05
ҚДО, мл	80,57±0,54	79,37±0,54	79,38±0,47	57,80±0,31	3,57	0,05
КСО, мл	24,91±0,19	24,91±0,19	23,68±0,16	22,10±0,32	1,29	0,05
УО, мл	55,73±0,45	55,46±0,45	55,74±0,44	35,70±0,18	3,00	0,05
ФВ, %	59,36±0,21	60,36±0,21	58,91±0,23	65,90±0,26	1,40	0,05

Мактабгача ёшдаги миокардитли бемор болаларни ўтказилган ЭхоКГ текширув тахлилига кўра, касаллик ривожланишида ҚДР 1,25марта ва чап қоринча КСО 1,33марта назорат гурухи билан солиштирганда ортганлиги аниқланди. Шу билан бирга ҚДО 1,4маротаба ва КСО 1,12маротаба ошган. Зарб хажмининг 1,5 марта ошиши ва фактик отишни 1,1 мората камайиши кузатилди. ЭхоКГ натижаларни тахлил қилинганда 78,9% чап қоринча бўшлиғининг дилатацияси, жуда кам ҳолатда ўнг қоринча бўшлиғининг дилатацияси ва миокарднинг қисқариш хусусиятини пасайиши аниқланди.

Миокардитли мактаб ёшидаги бемор болаларни ўтказилган ЭхоКГ текширув тахлилига кўра, касаллик ривожланишида ҚДР 1,31марта ва чап қоринча КСО 1,41марта назорат гурухи билан солиштирганда ортганлиги аниқланди. Шу билан бирга ҚДО 1,3маротаба ва КСО 1,12маротаба ошган. Зарб хажмининг 1,5 марта ошиши ва фракциянинг отиши (ФВ) 1,09 маротаба камайиши кузатилди. ЭхоКГ натижаларни тахлил қилинганда 69,9% чап қоринча бўшлиғининг дилатацияси, жуда кам ҳолатда ўнг қоринча бўшлиғининг дилатацияси аниқланди.

Корреляция тахлили ёрдамида миокарднинг яллиғланиш маркерлари ва кардиоспецифик оқсил орасида, ҳамда электрокардиография ва эхокардиография кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланди.

Миокарднинг яллиғланиш маркёрлари КФК-МВ ва ЛДГ билан қон зардобидаги тропонин1 орасида тўғри кучли корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди ($r=+0,758$ и $r=+0,789$, $p<0,05$).

Тропонин 1 билан ЭКГ кўрсаткичлари PQ ва QRS орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=+0,670$ и $r=+0,653$, $p<0,05$). Ҳамда

тропонин¹ билан эхокардиография кўрсаткичлари орасида КСР, КДР ва УО корреляцион боғлиқлик кучли эди ($r=+0,693$ и $r=+0,793$, $r=+0,802$, $p<0,05$).

Диссертациянинг “**Юрак ривожланишининг кичик аномалиялари (ЮРКА) фонида миокардит билан касалланган болаларнинг клиник характеристикаси ва текширув натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида юрак ривожланишининг кичик аномалиялари (ЮРКА) фонида миокардит билан касалланган болаларнинг текширув натижалари тахлили келтирилган.

ЭхоКГда миокард яллиғланиш жараёни белгилари мавжуд бўлганда мактабгача ёшдаги болаларда кичик юрак аномалиялари (КЮА) белгилари аниқланди: очик овал тешик - 6та (27%) болада, ёлғон хорда ва чап қоринча трабекулалар борлиги – 9та (38%), КЮА гурухига биз клапан девори қалинланмасдан 3мм кам пролапс билан ПМКни 1-даражагача митрал регургитацияни киритдик – 8та (35%).

Мактаб ёшидаги болаларда ЭхоКГда миокардит фонида КЮА кўйидаги турлари аниқланди: Чап қоринчанинг чап хордаси ЧҚЧХ – кўндаланг, диагонал ва бўйлама ёлғон хорданинг базал уртада жойлашганлиги – 6та (46,2%), митрал клапан пролапси (ПМК) – 4 тада(30,8%) ва трикуспидал клапан пролапси (ТКП) – 3та (23%) бола.

Мактабгача ёшдаги 23 (64%) болаларда ва мактаб ёшидаги 13(36%) болаларда қонни серологик текширганда оддий герпес вирусига, цитомегаловирусга, аденовирусга, респиратор-синцитиал инфекцияга специфик иммуноглобулинлар борлиги тасдиқланди. 8та болада эса 2та кўзғатувчи аниқланди.

9та (25%) мактаб ёшидаги болаларда ва 15та (42%) 1-гурух болаларида инфекциянинг сурункали ўчоқлари ташхисланди. (сурункали тонзиллит, синусит, кариес).

Бурун ва томоқдан олинган шиллиқни бактериал текширганда *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus hemolyticus* аниқланди. 8та (23%) мактабгача ёшдаги болаларда ва 5та (13%) мактаб ёшдаги болаларда организмнинг аллергия холати кузатилди (экссудатив диатез, экзема, озиқ-овқат ва дори аллергияси).

Миокардитнинг клиник кўриниши ва касалликнинг кечиши боланинг ёшига ва кўшимча патологияси борлигига боғлиқ бўлди. Демак, мактабгача ёшдаги болаларда миокардит 15 (65,2%) холатда оғир шаклда бўлди, миокард зарарланиш белгилари олдинги инфекцион касаллик фонида вужудга келди, миокардитни кечиши ўткир ости эди. Қолган 8 (34,8%) холатда миокардит ўртача оғирлик шаклида ўткир кечди.

Мактаб ёшидаги болаларда ЮРКА фонида миокардитнинг оғир шакли ўткир ости кечуви 9 (69,2%)та болада кузатилди, қолган болаларда эса 4 (30,8%) миокардитнинг ўртача оғир шакли ва ўткир кечиши аниқланди.

Электрокардиографик текширувлар натижалари иккала гурухнинг хамма болаларида бўлмачалар систоласи давомийлигини узайиши билан характерланди. Юрак ритмининг ва ўтказувчанликнинг бузилиш белгилари иккала гурухда 82,34% ва 91,72% аниқланди. Эктопик ритм иккала гурухда кузатилди, унинг частотаси мактабгача ёшдаги болалар гурухида юқори бўлди ва 17,28% ташкил қилди.

Айниқса электрокардиографик ўзгаришлар ЧҚҚХ + МКПнинг 1-2 даражали болалар гуруҳида яққол кузатилди. Мактаб ёшидаги болаларда ритм бузилиши брадикардия кўринишида 8 (61,5%) бўлиб, тахикардияга 5 (38,5 %) нисбатан кўпроқ бўлди.

Мактабгача ёшдаги болаларда яққол тахикардия - (63,64%) ва 98% ҳолатда Гис тутамининг ўнг оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси ҳамда жуда кам ҳолатда экстрасистолия аниқланди. Мактаб ёшидаги болаларда худди шундай юрак ривожланиш аномалияси шакли билан қоринчалар ичи ва атриовентрикуляр блокадасини 2-3 даражаси (30,76%) ва чап қоринча экстрасистолияси (40,91%) кузатилди.

Қоринчаларичи блокадасининг I-II даражаси 2-гуруҳ болаларда (22,05%) ташхисланди. Гис тутамининг ўнг оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси мактабгача ёшдаги болаларда (77,27%) регистрация қилинди. Мактаб ёшидаги болаларда бу кўрсаткич ягона ҳолатда учради.

ЭКГнинг Холтер мониторинги натижаларига кўра юрак ритмини бузилиши - иккала ёшдаги гуруҳда ҳам синусли аритмия, синусли брадикардия ва синусли тахикардия кўринишида бўлди.

